

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ  
Фойдаланиш ҳолати таҳлили****Хусайнов Жаҳонгир Баҳодирович***Урганч давлат университети мустақил изланувчиси*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Хоразм вилоятида туризм салоҳиятидан самарали фойдаланишни ўзига хос хусусиятлари ёритилган ва уни ҳолати таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар.** Минтақа, туризм, туризм салоҳияти, жойлаштириш воситалари, меҳмонхона, туристик фирма, турист, туризм хизматлар.

Мамлакатимизда туризм салоҳиятини ривожлантиришда жойлаштириш воситалари, туристик фирма ва ташкилотлар ва ташриф буюрувчилар муҳим ўринни эгаллайди. Ушбу кўрсаткичлар республика ҳудудларида динамик ўзгаришларга эгаллиги билан ажралиб туради. Хусусан, мамлакатимизда индивидуал ва бошқа жойлаштириш воситалари сони 2018 йилда 376 тани ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб, 238 тани ташкил этган ёки 138 тага камайган. Қолган кўрсаткичлар республикамизнинг бошқа ҳудудларига тўғри келади. Жами туристик фирма ва ташкилотлар сони 2020 йилда 337 тани ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб, 238 тани ташкил этган ёки 49 тага камайган. Шу жумладан, кичик корхона ва микрофирмалар сони йилларга мос равишда 324 дан ва 280 тага камайган. Бироқ, қолган келтирилган кўрсаткичлар республикамизнинг бошқа ҳудудларига тўғри келади. Туризм турлари бўйича туристик фирма ва ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчиларнинг тақсимланиши киши ҳисобига тўғри келади. Шуларни қўшган ҳолда турфирма ва ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчиларни жами сони 2018 йилда 713167 нафар кишини ташкил этган бўлса, 2021 йилда эса 577766 нафар кишини ташкил этган.

Шунингдек, республикамизда туризмнинг турлари бўйича хизмат кўрсатилган бир кунлик ташриф буюрувчилар сони ҳам киши бирлигига тўғри келиб, ушбу йилларда динамик ўзгаришларга эга. Жами туризмнинг турлари бўйича хизмат кўрсатилган бир кунлик ташриф буюрувчилар сони 2018 йилда 517239 нафар кишини ташкил этган бўлса, 2021 йилда эса 493236 нафар кишига етган этган. Қолган кўрсаткичлар кирувчи туризм, чиқувчи туризм ва ички туризм турларига тўғри келган.

Мамлакатимизда туризм салоҳиятини ривожлантиришда Хоразм вилояти муҳим ўрин тутиб, вилоятнинг туризм салоҳияти мамлакатимиз салоҳиятини ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, бугунги кунда Хоразм вилоятида туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Чунки, Хоразм вилояти Қуйи Амударё ҳудуди таркибидаги туризм салоҳиятининг самарали ривожланиши мавжуд ҳудуд саналади. Қуйи Амударё минтақаси Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан таркиб топган. Бироқ, Хоразм вилояти “кичик минтақа” сифатида туризмга ихтисослашган алоҳида ҳудуд ҳисобланади [1].

Жумладан, Ўзбекистон минтақаларининг, хусусан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг катта қисми ўзига хос маданий ва маҳаллий хусусиятларга эга эканлигини ҳисобга олиб, бу ҳудудга туризмни самарали ривожлантириш керак ҳамда “туристик минтақа” деб қараш тўғри бўлади.

Туристик минтақанинг асосий хусусияти шундаки, у ўзининг бой туристик ресурсларига эга бўлади ва улардан самарали фойдаланилади. Булар бевосита келажакда туризм салоҳиятини оширишга катта хизмат қилади. Хоразм вилояти туристик ҳудудида туристик ресурслардан ҳозирги кунда 208 та маданий мерос объектлари, шу жумладан 20 та археологик, 124 та тарихий-меъморчилик ёдгорликлари, 7 та ансамбль, 28 та диққатга сазовор жойлар ва зиёратгоҳлар рўйхатга олинган [2]. Бевосита ушбу туристик объектлар ва улардан самарали фойдаланиш келажакда туризм салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Шулар билан бир қаторда, Хоразм вилояти мамлакатимизнинг улкан туризм имкониятларига эга бўлган минтақаларидан бири ҳисобланади. Хоразм вилояти Ўзбекистон Республикасининг шимолий-ғарбида, Амударё куйи оқимининг чап соҳилида жойлашган бўлиб, шимолий ва шимолий шарқдан Қорақалпоғистон Республикаси, жанубий ва жанубий-ғарбдан Туркменистон, жанубий-шарқдан Бухоро вилояти билан чегарадош ҳудуд ҳисобланади [3].

Хоразм вилоятида туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида бажарилмоқда. Хусусан, вилоятда туризм инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган изчил чора-тадбирларни амалга оширилиши натижасида туризм соҳасининг энг муҳим таркибий қисмлари ёки унсурлари бўлган жойлаштириш воситалари, туроператорлар, туристик синфга мансуб автотранспорт турлари ва гид-экскурсоводлар сонининг ўзгариш динамикасига эга бўлиб бормоқда (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Хоразм вилоятида туризм соҳаси муҳим унсурларининг ривожланиш динамикаси, донa бирликда<sup>44</sup>**

Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони	46	53	69	162	148	152
Туроператорлар сони	20	22	34	62	58	61
Туристик синфга мансуб автотранспортлар сони	18	21	34	133	293	303
Гид-экскурсоводлар сони	66	89	103	138	114	120

Ушбу жадвалга асосан, вилоят бўйича меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони 2016 йилда 46 тани ташкил этган бўлса-да, ушбу кўрсаткич 2021 йилга келиб, 152 тага етган ёки 106 тага кўпайган. Туроператорлар сони 2016 йилда 20 тани ташкил этган бўлса-да, ушбу кўрсаткич 2021 йилга келиб, 61

<sup>44</sup> Манба: Муаллиф ишланмаси.

тага етган ёки 41 тага кўпайган. Туристтик синфга мансуб автотранспортлар сони 2016 йилда 18 тани ташкил этган бўлса-да, ушбу кўрсаткич 2021 йилга келиб, 303 тага етган ёки 285 тага кўпайган. Гид-экскурсоводлар сони эса 2016 йилда 66 тани ташкил этган бўлса-да, ушбу кўрсаткич 2021 йилга келиб, 120 тага етган ёки 54 тага кўпайган.

Шунингдек, Хоразм вилоятида туризм салоҳияти ривожланишининг ҳозирги ҳолати соҳага оид кўрсаткичларнинг динамик ўзгаришга эгаллиги билан намоён бўлади. Бу борада энг муҳим кўрсаткичлардан бири бу кириш, чиқиш, ички туризм ва туризм хизматлари экспорти кўрсаткичидир. Вилоят бўйича хорижий туристлар сони 2019 йилда 420,8 минг нафар кишини ташкил этган бўлса-да, 2022 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 137,5 минг нафарга тенг бўлган ёки пасайиш сезилган. Ҳамда экспорт кўрсаткичи 2019 йилда 25,2 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса-да, 2022 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 7,1 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, пасайиш кузатилган. Вилоят туризмида жойлаштириш воситалари, оилавий меҳмон уйлари ва хостеллар, тиббиёт ва соғломлаштириш туризми воситалари, туристларга хизмат кўрсатувчи субъектлар сони ҳам ўзгаришга эга бўлмоқда (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Хоразм вилоятида 2019-2022 йилларда жойлаштириш воситалари, оилавий меҳмон уйлари ва хостеллар, тиббиёт ва соғломлаштириш туризми воситалари, туристларга хизмат кўрсатувчи субъектлар ҳақида маълумот<sup>45</sup>**

№	Кўрсаткичлар таркиби	Ўлчов бирлиги	2019й ил	2020й ил	2021й ил	2022 йил
<b>I. Жойлаштириш воситалари</b>						
1	Жойлаштириш воситалари (йил якунига кўра)	дона	73	73	82	78
		хона	1907	1921	2029	1968
		ўрин	3809	3837	4068	4042
1.1	Меҳмонхона	дона	73	70	79	59
		хона	1907	1898	2006	1643
		ўрин	3809	3781	4012	3217
<b>II. Оилавий меҳмон уйлари ва хостеллар</b>						
2	Оилавий меҳмон уйлари (йил якунига)	дона	69	79	86	97
		хона	229	273	301	341
		ўрин	622	719	789	880
3	Хостеллар	дона	10	10	12	19
		хона	66	65	75	130
		ўрин	172	173	193	358
4	Жойлаштириш воситаларининг номерлар фондининг бандлик даражаси (% да)	фоиз	41	10	25	32
<b>III. Тиббиёт ва соғломлаштириш туризми воситалари</b>						

<sup>45</sup> Хоразм вилояти маданият ва туризм бошқармаси маълумотлари.

5	Тиббиёт ва соғломлаштириш туризм воситалари	дона	2	4	4	4
		хона	53	81	81	81
		ўрин	130	230	230	230
<b>IV. Туристларга хизмат кўрсатувчи субъектлар сони</b>						
6	Туристларга хизмат кўрсатувчи субъект ва объектлар сони	дона	6172	1397	3599	4530
6.1	туроператорлар	дона	58	59	61	63
6.2	гид -экскурсовод	дона	114	138	138	225
7	Туризм соҳасида банд бўлганлар	минг нафар	6000	1200	3400	4240

Ушбу жадвалга асосан, вилоят бўйича 2022 йилда жойлаштириш воситалари сони 78 тани ташкил этиб, уни таркиби 1968 та хона ва 4042 ўриндан иборат бўлган. Шундан, меҳмонхоналар сони 59 та бўлиб, уни таркиби 1643 та хона ва 3217 ўриндан, оилавий меҳмон уйлари сони 97 та бўлиб, уни таркиби 341 та хона ва 880 ўриндан ҳамда хостеллар сони 19 та бўлиб, уни таркиби 130 та хона ва 358 ўриндан иборат бўлган. Шуларга асосан, жойлаштириш воситалари номерлар фондининг бандлик даражаси 32 фоизни ташкил этади. Тиббиёт ва соғломлаштириш туризм воситалари сони 4 та бўлиб, уни таркиби 81 та хона ва 230 ўриндан иборат бўлган. Туристларга хизмат кўрсатувчи субъект ва объектлар сони 4530 тани ташкил этиб, шундан 63 таси туроператорлар ва қолган 225 таси гид-экскурсовод сонига тенгдир. Ҳамда туризм соҳасида банд бўлганлар 4240 тани ташкил этган.

Хулоса шуки, минтақада туризм салоҳиятини ривожлантиришда жойлаштириш воситалари, туристик фирма ва ташкилотлар ва ташриф буюрувчилар муҳим унсур бўлиб хизмат қилади. Ушбу кўрсаткичларнинг республика ҳудудларида динамик ўзгаришларга эгаллиги таҳлил қилиб чиқилди. Мамлакатимиз минтақалари ичида Хоразм вилояти муҳим ўрин тутиб, вилоятнинг туризм салоҳияти мамлакатимиз салоҳиятини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Вилоятда туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш амалга оширилаётган чора-тадбирларга бевосита боғлиқ. Натижада, туризм соҳасининг энг муҳим таркибий қисмлари ёки унсурлари бўлган жойлаштириш воситалари, туроператорлар, туристик синфга мансуб автотранспорт турлари ва гид-экскурсоводлар сонининг ўзгариш динамикасига эгаллиги билан ажралиб туради.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Рузметов Б., Салаев С.К., Худайберганов Д.Т., Гулманов М.А., Джуманиязов У.И., Атаев Ж.Э., Саидов Д.Р., Б.У.Таджиев. Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туристик салоҳиятини юксалтириш стратегияси. Монография. - Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020. - 13 б.

2. Рўзметов Б., Матякубов У., Худайберганов Д. Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш истиқболлари. // В сб: “Актуальные проблемы туризма - 2009” Сборник научных трудов. Выпуск №1. - Т.: «ДП Патент -Пресс», 2009. - 138 с.

3. Садуллаева А.А. Туризмни ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари (Хоразм вилояти мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. - Урганч: УрДУ, 2022- 12 б.

4. Хоразм вилояти маданият ва туризм бошқармаси маълумотлари.